

ПРЕСС-РЕЛИЗ

“Интеллектуал мулк муҳофазаси амалий масалалари ва суд амалиёти” мавзусида ўқув-амалий семинар

2018 йил 14-апрель куни Интеллектуал мулк агентлиги (Агентлик) Республика Олий суди билан ҳамкорликда “Интеллектуал мулк муҳофазаси амалий масалалари ва суд амалиёти” мавзусида ўқув-амалий семинари ташкил этилди.

Ўқув-амалий семинари тингловчилари сифатида Олий суд, Тошкент шаҳар иқтисодий суди, Тошкент туманлараро иқтисодий суди, Тошкент вилояти, Самарқанд вилояти ва Жиззах вилояти иқтисодий суди, ҳамда Тошкент шахрининг барча туманлараро судлари судьялари қатнашдилар.

Бугунги кунда республикада интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий судларда кўриб чиқилмоқда. Иқтисодий судлар ҳуқуқ эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилишига оид, маъмурий ва фуқаролик судлар эса Агентлик ва унинг қошидаги апелляция кенгаши қарорларини ҳақиқий эмас деб топишга оид даъволарни кўриб чиқади. Низоларни кўриб чиқишда Агентлик ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ёки жавобгар сифатида жалб қилинади.

Таҳлиллар кўрсатишича, интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2011 йилда суд органлари томонидан 22 та иш кўрилган бўлса, 2017 йилда эса кўрилган ишлар сони 80 тадан ошиб кетган. Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар, тадбиркорлик субъектлари сонининг ошиши ва рақобат муҳитининг кучайиши келгусида ҳам интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар сони ошиб боришини башорат қилишга асос бўлади.

Бугунги кунда республикада ихтисослашган патент судларининг йўқлиги, судьяларнинг интеллектуал мулк соҳасида махсус билимга эга эмасликлари ҳолатлари билан биргаликда судлар томонидан одил қарор чиқармай қолиш эҳтимолини туғдиради.

Бугунги семинарнинг асосий мақсади ҳам айнан Интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш ва мазкур соҳадаги судларда ишларнинг мукамал кўриб чиқилишини таъминлаш учун республикада судьяларининг интеллектуал мулк соҳасидаги билимларини оширишга қаратилган.

Ушбу ўқув семинарда иштирок этиш учун Агентлик томонидан Россия Давлат Интеллектуал мулк академиясининг¹ “Патент ҳуқуқи ва индивидуаллаштириш воситаларининг ҳуқуқий муҳофазаси” кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди Олег Витальевич Ревинский ва “Муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар ва шахсий ҳуқуқлар фани” кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди Любовь Владимировна Цитовичлар таклиф қилинди. Улар томонидан “Россия интеллектуал мулк муҳофазаси ҳуқуқий асослари” ва “Патент ҳуқуқи ва Муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўйича суд ишлари тажрибаси” мавзулари бўйича маърузалар ва презентациялар қилинди.

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар иқтисодий суди судьяси Қаландарова Малика Пирназаровна томонидан “Республикада интеллектуал мулк соҳасига оид ишлар бўйича суд амалиёти” мавзусида қисқа ахборот бериб ўтилди.

¹ 2017 йил 19 майда Интеллектуал мулк агентлиги ва Россия Давлат Интеллектуал мулк академияси ўртасида “Интеллектуал мулк соҳасидаги таълим фаолиятини ва инновацияларни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик Меморандуми” имзоланган.